

“Ўзпахтасаноат” АЖнинг  
2016 йил “31” май  
даги 29-сонли йўриқ-қўрсатма  
сўраш бўлигига  
29  
илова

**“Вухорпахтасаноат hududiy filiali” масъулияти чекланган жамияти  
ижро этувчи органи тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1.1. Ушбу Низом “Вухорпахтасаноат hududiy filiali” МЧЖ ижро этувчи органи томонидан ишлаб чиқилиб, жамият Кузатув кенгашининг 2016 йил “30” май даги 2-сонли йиғилиш баёни билан маъқулланган.

Мазкур Низом масъулияти чекланган жамияти ижро этувчи органининг мақомини белгилайди ва унинг ишини тартибга солади. Ижро этувчи орган деганда жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи тушунилади.

1.2. Жамият ижро этувчи органи Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунига, жамият Устави ва ушбу Низом бўйича берилган ваколатлар доирасида жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширади.

Жамият ижро этувчи органи Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши(кейинги ўринларда-Иштирокчи) ва Жамият кузатув кенгашига ҳисобдордир.

**II. Жамиятни ижро этувчи органини тузиш тартиби.**

2.1. Жамият Уставига асосан жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи раҳбари-директор томонидан амалга оширилади.

2.2. Жамият директори белгиланган тартибда Жамият иштирокчисининг буйруғи билан тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Шунингдек унинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш Жамият иштирокчисининг буйруғи билан амалга оширилади.

2.3. Жамият директори билан белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш, таътиллар бериш, қонунда белгиланган тартибда унга нисбатан интизомий жазо ва таъсир чораларини кўриш Жамият иштирокчиси томонидан амалга оширилади.

**III. Жамиятнинг ижро этувчи органининг ваколатлари.**

3.1. Жамият директори ваколатига қуйидагилар киради:  
жамият иштирокчиси ва кузатув кенгаши қарорларининг ижро этилишини ташкил этади;

жамият кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун Жамият ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритади;

жамият мол-мулки ва пул маблағларини қонун ҳужжатларида ва жамият ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тасарруф қилади;  
жамият номидан шартномалар, контрактлар ва бошқа битимлар тузади;  
жамият номидан ишончномалар беради;  
жамиятнинг йиллик бизнес-режасини ишлаб чиқади ва уни бажариш қандай бораётганлиги юзасидан Иштирокчи ва Жамият кузатов кенгашига даврий ҳисобот беради;

Ўзбекистон Республикаси банкларида ҳисоб рақами ва бошқа ҳисобларни очади, Жамиятнинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва ҳисоботларини имзолайди;

жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишонччилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

штатларни Иштирокчи билан келишган ҳолда тасдиқлайди, уларни малакали кадрлар билан тўлиқлигини таъминлайди;

ҳодимлар билан меҳнат шартномалари(контрактлар) тузади ва уларни тугатиш (бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилади;

жамиятнинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар, кўрсатмаларни чиқаради, шунингдек ўзининг ваколати доирасига кирувчи масалаларга оид йўриқномалар ва бошқа ички ҳужжатларни тасдиқлайди;

жамият бошқармалари ва таркибий бўлинмалари низомларини тасдиқлайди;

жамият ходимларига нисбатан амалдаги қонунчиликда назарда тутилган интизомий жазо чораларини қўллайдди;

Иштирокчи билан келишган ҳолда ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди ва унинг асосида лавозим иш ҳақлари, уларга устамаларни, турли қўшимча тўловларни белгилайди, жамият ходимларини рағбатлантиради шунингдек, жамият ходимларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида компенсация тўловларини белгилайди;

Қонун ҳужжатлари, жамият Устави ва ушбу Низомга мувофиқ директор ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳал этади.

#### IV. Жамиятнинг ижро этувчи органининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Жамият ижро этувчи органининг ҳуқуқларига қуйидагилар қиради:

ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилади;

жамият номидан ишончномасиз иш юритади, бошқа ташкилотлар ва органлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалайди;

жамият кузатов кенгашининг розилигига қўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Жамият ижро этувчи органининг мажбуриятларига қуйидагилар қиради:

Жамият директори Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва давлат муассасаларида, мулкчиликнинг турли шаклидаги корхона ва ташкилотларда Жамият ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

молиявий йил тутагандан сўнг 2 ойдан кечиктирмай Жамият фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни Жамиятнинг иштирокчисига тақдим этади;

ижро этувчи орган қуйидаги ҳужжатларни белгиланган тартибда сақлашни таъминлайди:

- жамиятнинг Уставини;

- жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

- жамиятнинг ўз ҳисобида турган мол-мулкга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- жамият иштирокчиси қарорлари, директорнинг буйруқлари, хатлар, телеграммалар ва ёзма кўрсатмалари;

- аудиторлик ташкилотининг хулосалари;

- жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятига тегишли бошқа ҳужжатлар.

Жамият кузатув кенгаши аъзоларига кузатув кенгашида ишлаганликлари учун жамият Устави ва "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги Низомга асосан ўз вақтида тақдирлаш пулларини тўланишини таъминлаш;

Жамият йиллик бизнес режасидаги соф фойда ҳисобидан жамият иштирокчисининг кўрсатмасига асосан жамият кузатув кенгаши аъзоларига белгиланган тартибда йил якуни бўйича рағбатлантириш пулларини тўлаш;

Жамият активлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган кўрсаткичларга етганда жамият Кузатув кенгашини ички аудит тузиш лозимлиги тўғрисида ёзма хабардор қилади.

Ички аудит хизматига белгиланган тартибда ўз ишини ташкил этиши учун талаб этиладиган барча шарт-шароитларни яратиб беради.

Жамият ижро этувчи органи ўзининг мажлис баёнларини ва бошқа талаб қилинган ҳужжатларни Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ички аудит хизматига тақдим этишга мажбурдир.

Кузатув кенгаши котиби- жамият қимматли қозғоғлар бўйича мутахассисига иш фаолиятига доир барча шарт шароитларни яратиб беришга ҳамда Кузатув кенгаши баённомаларида берилган топшириқларни белгиланган тартибда ва муддатларда бажаришга масъулдир.

4.3. Жамият ижро этувчи органи Иштирокчининг ёзма розилигисиз банк ёки бошқа кредит ташкилотлари кредитидан фойдаланиши, кафолат ҳамда кафиллик расмийлаштириши мумкин эмас.

## V. Жамият ижро этувчи органининг жавобгарлиги.

5.1. Жамият ижро этувчи органи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш туттиши лозим.

5.2. Жамият ижро этувчи органи-директори қонун ҳужжатларига, жамият Устави ва маъмур Низомга мувофиқ жамият олдидан жавобгардир.

"Вухоропхтасаноат ҳудудий филиали" МЧЖ директори в.б



И.Р.Икромов